SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 12-sentabr • Seshanba • 109 (27.601) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• Партиямиз фаоллари



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

## ФИДОЙИ МУАЛЛИМА

Ҳар бир соҳанинг ўз жонкуярлари, бутун фаолиятини шу ишга бағишлаган фидойилари бўлади. Касби коридан, ёши-ю кундалик вазифасидан қатъи назар, биз уларни зиёлилар деб атаймиз. Зотан, зиёли деганда бутун умри, яхши фазилатлари билан катта-ю кичикка бирдай ибрат бўладиган инсонлар тушунилади. Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, партиямиз фаоли Донохон Тўрабоева ҳам чин маънодаги фидойилардан. Мана 6 йилдирки, у Янгиқўрғон тумани Ғовозон қишлоғидаги 19-ўрта мактаб директори вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

— Мактабимизда 30 нафар аъзоси бўлган партиямиз бошланғич ташкилотига яқингача Доно Тўрабоева етакчилик қилди, — дейди БПТ раиси Исломжон Сатторов. — Ўзбекистон ХДП Дастурида белгиланган вазифалар тарғиботидан тортиб, амалий ишларда ҳам унинг ҳиссаси катта.

— Зиё масканимизда 1300 нафардан зиёд ўқувчига 93 нафар малакали педагог таълим-тарбия беради, — дейди Донохон Тўрабоева. — Ўқувчиларимиз кейинги йилларда бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, Роҳила Аюпова мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» мусобақасининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, юзимизни ёруғ қилди. Биз айни пайтда ёшларимизнинг бундай ютуқларини янада ошириш мақсадида астойдил саъй-ҳаракат қилаяпмиз.

Бугун миллатни кўтариш, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ҳар қандай кишидан аввало етук билим, кенг дунёқараш ва фидойиликни талаб этади. Давлатимизнинг таълимга кўрсатаётган юксак эътибори, бу борада қабул қилинган умуммиллий Дастур асосидаги ишлар мактаблар қиёфасида қандай ўзгаришлар ясаган бўлса, у албатта ёшларимиз онгу тафаккурида ҳам ана шундай бурилишга олиб келмоғи лозим.

Дарҳақиқат, бугун Донохон Тўрабоевага ўхшаш фидойи педагоглар бор экан, ёшларимизнинг ёрқин келажагига ишончимиз комил. Улар тарбиялаб вояга етказаётган авлод эртага мамлакатимиз шуҳратини ўз билим ва салоҳияти билан янада мустаҳкамлайди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

***Суратда:*** *мактаб директори Донохон Тўрабоева ўқувчилар даврасида.*

## Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланишига доир «Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

2006 йил 8 сентябрь куни Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёнинг бешта мамлакати ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қосимжомарт Токаев, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Алибек Жекшенқулов, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Саймўмин Ятимов, Туркманистон Республикасининг Қозоғистондаги элчиси Муҳаммад Абалаков имзо чекдилар.

Маросимда БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий марказы директори Цутому Ишигури, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бош директорининг биринчи ўринбосари Юрий Соколов, дипломатия корпуси, халқаро ва нодавлат ташкилотлари, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маросимда шартномага қўшилган мамлакатлар вакиллари ушбу ҳужжатнинг имзоланиши минтақа давлатлари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МАГАТЭ ҳамда «ядровий бешлик» — АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитойнинг фаол иштироки ва кўмаги ёрдамида амалга оширилган кўп йиллик саъй-ҳаракатларнинг самараси бўлганини таъкидладилар. Шу ўринда мазкур ташаббус БМТнинг барча аъзолари, жумладан ядро қуролига эга мамлакатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлангани, ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва у борасидаги келишувга эришиш жараёнида илк маротаба бевосита иштирок этган БМТнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Маросим қатнашчилари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилганига эътибор қаратдилар. 1997 йили Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзуидаги халқаро конференция эса бу йўлдаги илк жиддий қадам бўлиб, унинг натижасига кўра, шартномани тайёрлаш учун Минтақавий экспертлар гуруҳи (МЭГ) тузилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими иштирокчиларига мурожаатномаси

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг минтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома юзасидан келишувга эришишдаги кўп йиллик саъй-ҳаракатлари йўлида ташланган яна бир қадам бўлди. Бош Ассамблея дунёда ядро қуролидан холи ҳудудларнинг яратилишини тарғиб этиш ва рағбатлантиришга оид резолюцияларни бир неча бор қабул қилган. Бундай ҳудудлар тўғрисидаги шартномалар ядровий қуролсизланиш ва тарқатмасликка хизмат қилиб, у ёки бу минтақанинг барқарорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Уларнинг яратилиши дунёнинг қатор минтақалари, хусусан, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи, Жанубий Тинч океан минтақаси, Жануби-Шарқий Осиё ва Африка учун аҳамиятли бўлди.

БМТ Бош Ассамблеяси ва Қуролсизланиш масалалари бўйича қўмитаси ядро қуролидан холи ҳудудлар бу йўналишдаги келишувларнинг самарадорлиги ва аҳамиятини таъминлаш мақсадида ядро қуролига эга бўлган давлатлар билан яқиндан маслаҳатлашилган ҳолда ишлаб чиқилиши лозимлигини кўрсатувчи аниқ йўналишларни таъминлаб берди. Таъкидлашим жоизки, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг айрим жиҳатлари мазкур мамлакатларнинг баъзилари томонидан ҳозир ҳам ўрганилмоқда. Шу боис мен Марказий Осиё давлатларини тафовутларни бартараф этиш ва ҳужжатни самарали равишда амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида ядро қуролига эга давлатлар билан ҳамкорликда ишлашга чорлайман.

Ядро қуролидан холи ҳудудлар алоҳида ва коллектив тарзда ядровий тарқатмасликнинг глобал тартибини кучайтиради, ядро қуролидан холи дунёга эришишдаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиради, глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликни сезиларли даражада мустаҳкамлайди. Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатлари бу йўналишда олға силжишимизга ёрдам берсин.

• Маҳаллий Кенгашларда

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган VI сессияси кун тартибига Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳи таклифига кўра, «Вилоятда ичимлик суви таъминотининг аҳволи хақида»ги масала киритилди

Бу ҳақда Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари А.Аҳмедовнинг маърузаси тингланди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2003 йил 17 сентябрдаги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2005 йилда 635,5 млн. сўм маблағ сарфланиб, 252 км. сув қувурлари ўтказилган. Жорий йилда ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун барча манбалар ҳисобидан 3 млрд. 680 млн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Ичимлик сув қудуқларини ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ишга тушириш режасига кўра, аниқланган 128 та аҳоли яшаш пунктларидаги 149 та ишламай турган сув қудуқларидан, бугунги кунда 53 та аҳоли пунктларидаги 69 та сув қудуқларига янги насослар ўрнатилган ҳамда 4 та янги қудуқ қазилган. Натижада 67950 нафар аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланган.

Депутатлик гуруҳи раҳбари бу борада вилоятда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммоларга ҳам сессия иштирокчилари эътиборини қаратиб, жумладан шундай деди: ***«Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш вилоят бўйича 76,3 фоизни ташкил этгани ҳолда Қумқўрғон туманида бу кўрсаткич 45, Музработ туманида 49 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг бу масалага бефарқлигидан бошқа нарса эмас. Олтинсой туманида бир неча йиллардан буён қудуқларнинг 49 фоизи, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Узун ва Музработ туманларида эса ҳар учтадан биттаси ишламайди. Бандихон, Бойсун, Термиз туманларида ҳам шу каби камчиликлар мавжуд. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш дастури барча ҳудудларда мавжуд бўлишига қарамай, сув қувурларининг Қумқўрғон туманида 21, Шўрчи туманида 24, Бандихон туманида 40 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолган. Кўпгина қишлоқларда бир неча йиллар давомида фойдаланиш оқибатида сув қувурлари ишдан чиққан, қудуқлар кўмилиб қолган. Натижада Музработ туманидаги 11 та аҳоли пункти, Шеробод туманининг Тиллашкон массиви, Бандихон, Қизириқ туманлари аҳолисининг бир қисми ичимлик суви муаммоси ечимини кутмоқда. Демак, охирги йилларда қувурларни таъмирлаш ёки алмаштириш ишлари талаб даражасида бажарилмаган. Бу соҳага мутасадди ташкилотлар мутлоқо эътиборсиз бўлганлар».***

2-бет

• Мустақиллик иншоотлари

## 15 ЙИЛЛИККА — 15 ОБЪЕКТ

Навоий вилояти кончилари, кимёгарлари ва қурувчилари куни кеча бир қатор иншоотларни фойдаланишга топширдилар.

— Навоий давлат педагогика институти иш бошлаганига чорак аср бўлса-да, етарли ўқув корпусларига эга эмас эди, — дейди институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Холбой Иброҳимов. — Мана бугун олийгоҳимизнинг химия-биология факультети талабалари учун шаҳарнинг «Умид» қўрғонида 4 қаватли янги бино қуриб битказилди. Энг қувончлиси, ўқув биноси ёнида 120 талабага мўлжалланган ётоқхона ҳам ишга тушди...

— Педагогика коллежимиз кейинги 4-5 йилда бино етишмаслигидан бир неча бор жой алмаштирди, — суҳбатга қўшилди коллеж директори Олимжон Сувонов. — Истиқлолимиз 15 йиллиги тантаналари кунларида орзумиз ушалди. Карманада энг замонавий, тўлиқ компьютер технологияларига эга ҳашаматли бинони қабул қилиб олдик.

Бу каби севинч тўла дил сўзларини Қизилтепа туманидаги Қосим Қобилов номли ширкат хўжалиги раиси Музаффар Исматов, Зарафшон шаҳри ҳокими Аҳмаджон Умаров, тадбиркор Фахриддин Хирожев каби бошқа кишилар ҳам айтишди. Уларнинг бири — янги қурилган «Ванғози» қишлоғидаги касб-ҳунар коллежи ҳақида фахр билан гапирса, бири — «Вагус» даволаш маркази, яна бири — янги ўрта умумтаълим мактаби тўғрисида тўлқинланиб сўзладилар. Олис Учқудуқ, Томди, Нурота туманларида ҳам кўркам маданий-маиший бинолар, қишлоқ врачлик пунктлари фаолият бошлади.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

• ЎзХДП ҳаёти

## «МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ»

ЎзХДП Тошкент шаҳар ва Сирғали туман кенгашлари ҳамда туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган семинар-йиғилиш ана шундай номланди





2-бет

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 12 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 925,23 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2291,76 |
| 1 Дания кронаси | 208,75 |
| 1 БАА дирхами | 334,50 |
| 1 АҚШ доллари | 1228,56 |
| 1 Миср фунти | 214,41 |
| 1 Исландия кронаси | 17,19 |
| 1 Канада доллари | 1096,05 |
| 1 Хитой юани | 154,46 |
| 1 Малайзия ринггити | 334,99 |
| 1 Польша злотийси | 390,66 |
| 1 СДР | 1818,15 |
| 1 Туркия лираси | 832,08 |
| 1 Швейцария франки | 984,98 |
| 1 ЕВРО | 1557,08 |
| 10 Жанубий Корея вони | 12,84 |
| 10 Япония иенаси | 105,29 |
| 1 Россия рубли | 45,91 |
| 1 Украина гривнаси | 243,28 |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

● ЎзХДП ҳаёти



# «МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Келажак авлодни юксак маънавиятли этиб тарбиялаш, халқ маърифати учун кураш бугунги жамият ва давлатнинг бош мақсадидир. Маънавият ва маърифат масаласи давлат сиёсатининг бош масаласига айлангани ҳам шундан. Бу борада Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари эълон қилинди. Уларнинг амалга оширилишида турли жамғарма ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда. Фарзандлар тарбиясида таълим муассасалари билан бир қаторда маҳалланинг ўрни беқиёс. Ушбу масъулиятни чуқур ҳис этган маҳалла оқсоқоллари, кекса отахону онахонларимиз фарзандларимизнинг етук маънавиятли инсон бўлиб вояга етишларида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллигимиз туфайли асрий анъаналаримиз, урф-одатларимиз қайта жонланди. Жамиятимизда маънавий янгиланишлар содир бўлди. Табиийки, бу ютуққа эришиш осон кечмади. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракати туфайли бу каби ижобий ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими, халқимиз маънавий тутқунликдан халос бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 25 августдаги **«Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»**ги Қарорининг қабул қилиниши маънавий-маърифий ишларимизни янада жонлантириш лозимлигини талаб этади.

Бундан нима наф, деган савол туғилиши табиий. Таъкидлаш лозимки, ҳеч бир халқ мустақилликни осонликча қўлга киритмаган. Демак, хулоса шундай: Мустақиллик бу энг олий неъмат. Уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Ҳаммага маълумки, биз мустақиликка қон тўкмасдан эришдик. Бу бизнинг жуда катта ютуғимиз бўлди. Эндиги вазифа — мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларимизни маънавий етук қилиб тарбиялаш, уларни турли халқаро майдондаги мафкуравий, ғоявий ва информацион ҳуружлардан ҳимоя этишдир. Маънавий етук инсонни ҳар қандай чет ғоялар ўз домига торта олмайди.

Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» қишлоғидаги «Хумсонбулоқ» оромгоҳида бўлиб ўтган семинар-йиғилишда юқоридаги долзарб масалалар ҳақида гапирилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Президент Қарорида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан бир қатор амалий ишларни бошлаб юборди. Мазкур тадбир «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Сирғали туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилганининг асосий сабаби — маҳаллалар бу ишнинг рўёбида катта роль ўйнайди.

Тадбирни ЎзХДП Сирғали туман кенгаши раиси Лола Исматова кириш сўзи билан очди. Туман ҳокимининг ўринбосари Ботир Шоисломов ва ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шайимқуловлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ва партия фаолияти ҳақида тўхталишди.

«Мустақиллик ва маънавий янгиланиш» мавзуида маҳалла оқсоқолари, уларнинг маънавий-маърифий ва диний масалалар бўйича маслаҳатчилари ҳамда партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Холхўжа УМАРОВ, Сирғали туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Мустақиллик йиллари биргина туманимизнинг ўзида 9 та кўприк, замонавий иншоотлар, коллежу лицейлар қурилди. Булардан кўзланган ягона мақсад — халқимиз фаровонлигини ошириш.

ЎзХДП ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир эса албатта, ўзининг мевасини беради. Маънавий-маърифий масала барчамизни ўйлантириши керак. Чунки, у фарзандларимизнинг келажаги билан боғлиқ. Менимча, фарзандлар тарбияси ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

**Бахтиёр УМАРОВ, «Қумариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Партиямиз ўта долзарб масала билан шуғулланаётганидан хурсанд бўлдим. Маданиятли, маънавиятли инсондан нафақат ён-атрофдагилар, балки жамият фойда кўради. Одамларда мана шуларни шакллантиришда маҳалланинг ўрни беқиёс. Биласиз, юриш-туриш, муомала маданияти деган тушунчалар бор. Биз маданиятли, маънавиятли халқ бўлганмиз. Эндиги вазифа шуларни ёшларга етказиш, ўргатиш. Партиямиз ҳам бу эзгу мақсад йўлида бошқа сиёсий партияларга ўрнак бўладиган даражада ишлаши лозим.

**Нигора ХОЛИҚУЛОВА, «Бобур» номли маҳалла фуқаролар йиғинидаги БПТ раиси:**

— Маҳалламизда 35 нафар ЎзХДП аъзоси яшайди. Биз ҳамжиҳатликда иш қилаяпмиз, тез-тез йиғилишиб мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидирамиз. Уларни туман кенгаши ҳамкорлигида ҳал этишга эришмоқдамиз. Бугунги семинардан керакли хулосаларни чиқардим. Янада фаолроқ бўлишга, салмоқли ишларни қилишга қарор қилдим.

Тадбир сўнггида қайта рўйхатдан ўтган партия аъзоларига янги нусхадаги партия гувоҳномалари топширилди.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

***Суратларда:*** *семинар-йиғилиш фаолиятидан лавҳалар.*
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**





# Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланишига доир «Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бу хусусда гапириб, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қосимжомарт Токаев, хусусан, бундай деди: «Биз тўққиз йил давом этган қизғин ишларни якунладик. Шартнома уни имзолаш ташаббусини биринчи бўлиб илгари сурган Ўзбекистон пойтахтида тасдиқланган».

1997-2002 йилларда БМТнинг Қуролсизланиш масалалари бўйича департаменти ва МАГАТЭ экспертларининг фаол кўмагида Женева, Ашгабад, Тошкент, Саппорода икки маротаба ва Самарқандда қатор амалий учрашувлар ўтказилди. 2002 йил 27 сентябрда Самарқандда ўтган сўнгги учрашув чоғида шартномани имзолаш маросимини Семипалатинск шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

2002 йилнинг иккинчи ярмида БМТ бош қароргоҳида «ядровий бешлик» (АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой) экспертлари билан икки маротаба маслаҳатлашув учрашувлари ўтказилди. Уларнинг якунлари бўйича шартнома лойиҳасига муайян ўзгартириш ва таклифлар киритилди.

2005 йил 7-9 февраль кунлари Тошкентда Минтақавий экспертлар гуруҳининг еттинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда «ядровий бешлик» мамлакатлари, МАГАТЭ ҳамда БМТнинг Ҳуқуқий масалалар бўйича департаменти таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг шартнома матни юзасидан умумий ёндашуви масаласида келишиб олинди.

Шартноманинг имзоланиши жаҳонда кенг таассуротга сабаб бўлди. Шу муносабат билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўзининг маросим қатнашчиларига йўллаган мурожаатномасида ядро қуролидан холи ҳудудларнинг яратилиши ядровий тарқатмаслик тартибини кучайтиришга, ядро қуролидан холи бўлган дунёга эришишга йўналтирилган чора-тадбирлар самарасини оширишга ҳамда минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

— Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатлари бу йўлда олға силжишимизга ёрдам берсин, — деди Кофи Аннан.

Шартномани имзолаш маросимида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ядро қуролидан холи ҳудудни ишлаб чиқиш ва яратиш жараёнига илк бор бевосита жалб этилганига иштирокчилар эътибори қаратилди. Марказий Осиё давлатлари экспертлари БМТнинг Қуролсизланиш масалалари бўйича департаменти ва МАГАТЭ экспертлари билан ҳамкорликда БМТ Бош Ассамблеяси, БМТнинг Қуролсизланиш бўйича қўмитаси, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома қоидалари ҳамда ядровий қуролсизланиш ва тарқатмаслик соҳасидаги бошқа ҳужжатларнинг барча талабларига мос келувчи шартнома матнини ишлаб чиқди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси Бош Ассамблеянинг резолюция ва қарорлари доирасида, шунингдек, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома доирасидаги конференциялар ҳужжатларида доимо қўллаб-қувватлаб келинди.

БМТнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ролини қайд этар экан, ушбу ташкилотнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори Цутому Ишигури марказ расмий даражадаги қатор экспертлар учрашуви ва музокараларни ташкиллаштиришдан ташқари, расмий музокаралар асосини тайёрлаш мақсадида Нью-Йоркда олтмишга яқин норасмий йиғилиш ўтказганини таъкидлади.

Шу ўринда Ц.Ишигури музокаралар чоғида Марказий Осиё мамлакатлари қатор қийинчиликларга дуч келганини, бироқ шунга қарамай, улар минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштира олганини эътироф этди. Беш мамлакат ўртасидаги бундай ишонч ҳужжатни қабул қилиш борасида муваффақиятга эришишда муҳим омил бўлди.

— Шартноманинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва имзоланиши БМТга аъзо мамлакатлар ўртасида ядро қуролидан холи бўлган дунёни яратиш борасидаги умумий мақсадларга эришишда аъло даражадаги амалий алоқалар йўлга қўйилганини намоён этди, — деди БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори.

— Россия минтақанинг ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилишини қўллаб-қувватлайди. Семипалатинскда имзоланган ҳужжат Марказий Осиё давлатларининг глобал хавфсизлик тизими ва тарқатмаслик тартибини мустаҳкамлашга қўшган муҳим ҳиссаси бўлиб, у минтақа мамлакатларининг жаҳон майдонидаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлади, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин.

АҚШнинг Монтеррей халқаро тадқиқотлар институти Тарқатмасликни тадқиқ қилиш маркази директори, профессор Уильям Поттер минтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирадиган янги тарихий шартномани имзолаган Марказий Осиё давлатларини табриклади.

— Ушбу ҳужжат халқаро ҳамжамиятнинг ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш ва ядровий террорчиликка қарши қаратилган саъй-ҳаракатларини мустаҳкамлаши лозим. У қуролсизланиш, тинчлик ва хавфсизлик мақсадларига эришиш йўлида ташланган улкан қадамдир, — деди У.Поттер.

Американинг «Озодлик» радиоси Нью-Йоркдаги Колумбия университети эксперти Кимберли Мартеннинг «имзоланган шартнома нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳон учун ҳақиқатдан ҳам ажойиб воқеа бўлди», деган сўзларини келтиради.

— Марказий Осиё етакчилари, жумладан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ўн йил давомида ушбу шартномани имзолашга даъват этиб келди, — дея қайд этади эксперт.

Би-Би-Си эса ҳужжатнинг имзоланишини шарҳлаб, «9 йил мобайнида яратилган шартнома БМТ кўмагида тайёрланиб, ядро энергиясидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишни назарда тутади», дея таъкидлаган.

«Ассошиэйтед Пресс» агентлиги Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи ҳудуд энергия захираларига бой минтақада яратилаётганини қайд этган ҳолда «шартномани имзолаб, Марказий Осиёнинг бешта давлати ўз ҳудудида ядро қуролини ишлаб чиқармаслик, сотиб олмаслик ва тарқатмаслик мажбуриятини олди. Бу каби ҳудудлар давлатларни ядро таҳдидидан ҳимоя қилади», деб ёзади.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома унга қўшимча равишда «ядровий бешлик» давлатлари томонидан протокол имзоланишини назарда тутади. Семипалатинскдаги имзолаш маросимида шартномага аъзо мамлакатлар вакиллари ядро қуролига эга бўлган давлатлар билан бу каби протоколни тайёрлаш борасидаги ишларни давом эттиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

● Маҳаллий Кенгашларда

# ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, нотиқ ўз сўзида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва депутатлик гуруҳи номига Термиз шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласида жойлашган кўп қаватли биноларда истиқомат қилаётган аҳолидан жамоавий ариза тушганлиги, унда жумладан, уйлар 1993 йилда қуриб битказилгани, шундан буён бирорта хонадонга ичимлик суви чиқмаслиги, натижада эрталаб ва кечқурун 70-80 нафар одам кўчада сув учун навбатда туриб қолиши ҳақида шикоят хати келиб тушганлигини таъкидлади. Наҳотки 13 йил давомида ушбу муаммони ечиш мумкин бўлмаган бўлса, деган савол ўртага ташланди. Шунингдек, «Гарм» маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйларга ҳам ичимлик суви чиқмаётганлиги айтиб ўтилди.

«Мангузар» сув таъминоти шохобчасидаги 14 та насосдан 9 таси, «Шимолий» ичимлик сув таъминоти шохобчасидаги 7 та насосдан 4 таси ишламоқда, холос. 27 та артезиан қудуқдан ярми ишламаяпти. Нотиқ айниқса, ижтимоий объектларни ичимлик суви билан таъминлашга мутасадди раҳбарлар панжа орасидан қараётганлигини қаттиқ танқид қилди: ***«Кўпгина мактаблар доимий равишда ичимлик суви билан таъминланмагани туфайли, — деди у, — Узун туманидаги 64 та мактабдан 20 таси, Қумқўрғон туманидаги 62 та мактабдан 38 таси, Бойсун туманидаги 53 та мактабдан 22 тасига сув ташиб келтирилади. Музработ туманидаги 20 та тиббиёт муассасасидан 17 тасида, Бандихон туманидаги 21 та тиббиёт муассасасидан 8 тасида сув қувурлари йўқ, 2 тасида узилган, 2 таси яроқсиз ҳолатда ва 10 тасида сув ташиб ичилади...***

Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳи шундай хулосага келдики, бу соҳада маҳаллий ҳокимликлар, ижроия ташкилотларининг олиб бораётган ишлари етарли даражада эмас. Вилоятда ичимлик суви билан таъминлаш ишларини ташкиллаштириш бўйича вилоят ҳокимлигининг ишчи комиссияси раислигини вилоят ҳокимининг шу соҳага жавоб берадиган ўринбосари олиб бориши лозим. Лекин бир ярим йил мобайнида ушбу вазифани доимий равишда ҳеч ким бажармайди. Демак, комиссия ўз ишини тўлақонли оқлай олмаяпти...»

Сессияда кун тартибидаги ушбу масалани муҳокама қилиш жараёнида ХДП депутатлик гуруҳи аъзоларидан Ж.Мирзаев, У.Чўтбоев, Х.Холлиевлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ушбу масала юзасидан Термиз шаҳар ҳокими Э.Амонов, Шеробод туман ҳокими Р.Авазов, Олтинсой туман ҳокими Р.Алимов ҳисобот бердилар. Сессия ушбу масала юзасидан қарор ва аҳволни зудлик билан тузатиш бўйича чора-тадбирлар режасини қабул қилди.

Сессия сўнггида вилоят ҳокими, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси А.Эшмуратов ушбу муаммони чуқур ўрганиб сессия кун тартибига киритган Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва депутатлик гуруҳига миннатдорчилик билдирди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

● Ҳолат, мулоҳаза, муносабат

# ЖИНОЯТ ИШИГА

Эътибор берсангиз, ноҳақ ишдан бўшатилган ходим ўз раҳбарини судга бериши ва суд томонидан унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қарор чиқарилишига анча кўникиб қолдик. Бундан ўн беш-йигирма йил аввал шундай ҳолат бўлишини тасаввур қилиб бўлмас эди. Бошлиққа ёқмаган ходимнинг ҳатто меҳнат дафтарчасига таҳқирловчи сўзларни ёзиб, ишдан ҳайдаб юбориш ҳеч гап бўлмаган. Меҳнат дафтарчаси булғанган ходимни бошқа ҳеч бир ишхона ишга олмайди — шўро меҳнат қонунчилигида иш берувчига нисбатан ёлланма ишчининг манфаатлари ерга урилган эди.

1996 йил амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси меҳнат дафтарчасига ходимнинг айбли ҳаракатларини ёзиш каби таҳқирловчи «анъана»га барҳам берди ҳамда ушбу қонунда ходим манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқи иш берувчиникидан анча юқори кўтарилди. Энди аввалгидек бошлиқ ўз хоҳиши ёки инон-ихтиёри билан хоҳлаган пайтда ишчини ишдан ҳайдаб юборолмайди ёки аксинча, ходим бошқа ишга ўтмоқчи бўлса, уни мажбурлаб, пўписа қилиб, «дафтарчангга ёзаман» деб олиб қололмайди. Негаки, ходим ариза ёзиб, Меҳнат кодекси талаби бўйича икки ҳафтадан сўнг, аризага имзо чекилса-чекилмаса бошқа ишга ўтишга ҳақлидир. Уни «аризанга қўл қўйилмасдан, буйруқ чиқмасдан нега бошқа жойга ўтиб кетдинг, бўшаб, аввалги ишингга қайтасан, биз зарар кўрдик, тўлайсан», дейишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Лекин яқинда (13 июнь) жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судида (судья И.Нуралиев) сўнг апелляция босқичида кўрилган бир жиноят ишида шунга ўхшаш ҳолат кузатилди. Унда Қўқон шаҳрида жойлашган «Бакс» хусусий фирмаси таъсисчиси Бахтиёр Юлдошев фирмага ўз хоҳишига кўра ишга келган саккиз нафар фуқарони аввалги ишхонасидан тегишли тартибда ишдан бўшатилмаганига қарамасдан қабул қилганлиги масаласи кўтарилди. Айбловга биноан Б.Юлдошев уларни аввалги корхоналари — «Фарғона ТВТ Транссервис» ҳамда «Марғилон ТВТ Транссервис» шўъба корхоналаридан ишдан бўшатилмаганлигини била туриб, ўз фирмасига божхона расмийлаштирувчиси қилиб ишга олади. Ва ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги сохта буйруқларни тайёрлаш учун **тергов ва судда аниқлаш имконияти бўлмаган усул билан** юқоридаги корхоналарнинг муҳри босилган бўш бланкаларини топиб, фойдаланган. Яъни ушбу бўш бланкаларга уларнинг ишдан озод этилганлиги ҳақидаги қалбаки ёзувларни қайд этган. Бу бўш бланкалардан у яна фойдаланиб, қабул қилинган ходимларнинг малака аттестатлари йўқолганлиги ҳақида сохта алоқа хатлари тайёрлаган, бундай алоқа хатини Божхона қўмитасига юборган ва ҳоказо...

Бозор шароитидаги эркин рақобат муҳитига ва ходимнинг хоҳиш-манфаатига оид меҳнат ҳуқуқига бўлган айбловдаги муносабат ҳақида баъзи бир мулоҳазаларимизни айтишдан олдин аввало таажжубимизни айтишимиз лозимга ўхшайди. **Муҳр босилган бўш бланкалар қандай йўқолганини директор И.Грицаева билмаса, буни тергов ва суд аниқламаса, унда ким аниқлайди?** Тергов ва судда аниқланмаган — демак, исботланмаган айб билан бировни айблаш қонунийми, асослими, адолатлими?

Агар судда сўралган гувоҳлар — К.Ҳакимов ва Ж.Раҳмоновнинг кўргазмаларига эътибор берилса, «Фарғона ТВТ Транссервис» шўъба корхонаси директори И.Грицаеванинг айнан ўзи «энди ҳаммамиз «Бакс» фирмасига ўтиб ишлаймиз», деб айтганлиги маълум бўлади. Судланувчи Б.Юлдошев ҳам айнан И.Грицаева ходимлари «Фарғона ва Марғилон ТВТ Транссервис»ни ташлаб рақобатдаги бошқа корхонага ўтиб кетаётганлигини, бунинг олдини олиш мақсадида уларни «Бакс» фирмасига ишга олишни таклиф қилганини, ушбу таклиф ҳамда саккиз нафар ходимнинг аризасига кўра, уларни ишга қабул қилганини, Грицаеванинг ўзи уларнинг ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги буйруқларни унга берганлигини айтади. Бу И.Грицаеванинг ҳеч нарсадан бехабар қолгани ҳақидаги гапларига қарама-қаршидир. Агар қарама-қаршилик суд томонидан бартараф этилганда бланкалар қандай йўқолган, қандай «эгаллаб олинган», каби тергов ва судда очиқ қолган саволга жавоб олинармиди дейсиз. Қизиқда, «аниқлашнинг имкони бўлмади» деб осонгина четлаб ўтиш ўрнига гувоҳлар ва судланувчининг гапи асосли-асоссизлиги текшириб кўрилиб, саволларга жавоб қидирилса, ҳақиқат ойдинлашмасмиди?

Энди ходимнинг меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолатларга эътибор қаратсак. Меҳнат кодексининг 99-моддаси талабига кўра, ходим иш берувчини икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириб, огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ишни тўхтатишга ҳақли. **Иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.**

Ваҳоланки, судда И.Грицаеванинг ўзи саккиз нафар ходимнинг тўрттаси — Д.Юлдошева, И.Сайдуллаев, Т.Эргашев ва Р.Зокиров ишдан бўшаш тўғрисида 2004 йил 15 июлида ариза ёзганлигини, лекин буйруқ чиқарилмаганлигини таъкидлайди. Номи тилга олинган ва бошқа ходимлар ҳам ўша йилнинг октябрь-ноябрь ойларида «Бакс» фирмасига ишга қабул қилинган. Яъни аввалги ишидан кетганига 3-4 ой ўтгандан сўнг.

• Банк тизими



# БОШ МАҚСАД — МИЖОЗ МАНФААТИ

Юртимизда демократик янгиланиш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилмоқда. Бу борада, айниқса, банклар томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга деҳқон ва фермер хўжаликларига берилаётган кредитлар алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, Миллий банкнинг Термиз бўлими томонидан ажратилган .кредитларнинг 1977,9 миллион сўми кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Шу маблағлар эвазига 258 та янги иш ўрни яратилди.

Айтиш мумкинки 5 та шохобчага эга бўлим хўжалик юритувчи субъектларни молиялаш орқали вилоят иқтисодиётининг ривожланишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига ўз улушини қўшиб келмоқда. Айни кезда бўлим ва унинг жойлардаги шохобчалари томонидан 5035 та юридик ва 10 392 та жисмоний шахсларига банк хизмати кўрсатилмоқда. Натижада мавжуд кредит портфели жорий йилнинг олти ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 817 196 минг сўм кўп, яъни 8172496 минг сўмни ташкил этди.

Банкнинг йирик мижозларидан бўлган «Сурхон дори-дармон» масъулияти чекланган жамияти, «Сурхон текстил» ҳиссадорлик жамияти, «Фаровон-Термиз» хусусий корхонаси, «Сурхон озиқ-овқат саноат» ва «Хазорбоғ» ширкат хўжалиги каби ташкилот ва корхоналар ҳам банк кредитларидан фойдаланиб яхшигина даромад олди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш ишлари ҳам яхши самара бермоқда. Шу мақсадда мижозларга юқори фоизли «Таътил», «Омадли», «Кўпайсин», «Омонлик», «Келажак» омонат турлари жорий этилди. Шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили муносабати билан шифокорлар учун «Шифокор» омонати ташкил қилинди.

— Айрим кишилар хориж валютасини уйларида сақлашади. Эндиликда бундай чет эл валютасига эга аҳоли қатламлари учун ҳам банкда юқори фоизли омонатлар очдик, — дейди банк бошқарувчиси Р.Тожиев. — Бунинг учун «Сармоя-1», «Сармоя-2», «Фойдали» ва «Ҳавас» каби жамғарма турлари жорий этилди. Шу боисдан ўтган йилнинг иккинчи ярми ҳолатига кўра, аҳолидан жалб этилган маблағлар қолдиғи миллий валютада 1575,6 миллион сўм, хорижий валютада 336,0 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич миллий валютада 1961,7 миллион сўм, хорижий валютада 359,8 минг АҚШ долларига етди.

Банк бўлими шохобчаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида муомалага пластик карточкаларни чиқариш, терминаллар ўрнатиш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига муомалага чиқарилган сўм пластик карточкалари 10847 тани ташкил этиб, терминаллар орқали 23 миллион сўмлик хизмат кўрсатилганди. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига эса 20652 та сўм пластик карточкаси муомалага чиқарилди. 30 та савдо нуқтасида терминаллар ўрнатилиб, улар орқали жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 236,9 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Ишончли пул ўтказмалари учун хорижий давлатлардан жўнатилган валюталарни бир зумда олиш ва чет эл давлатларига валюта маблағларини жўнатиш учун «Western Union» ва хизмат ҳақи арзон, ишончли бўлган янги «Азия Экспресс» халқаро пул ўтказмалари бўйича хизматлар ҳам аҳолига қулай шароит яратмоқда. Зеро, банк ходимлари олдига қўйган мақсад ҳам шу — аҳолига қулай, тез ва сифатли хизмат кўрсатиш.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратда:** банк бўлинмаси ҳаётидан лавҳа.

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

Коичиро МАЦУУРА:

# МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ КУТГАНИМДАН ҲАМ ЗИЁДА ЭКАН

**ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура 7-10 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Сафар асносида у Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашди, вазирлик ва идораларда, олий ўқув юртларида музокаралар ўтказди, қадимий шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Жумладан, Хоразмдаги Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланиши муносабати билан Хива шаҳрини зиёрат қилди.**

Меҳмон аввало «Хоразм вилоятида ер ва сувдан фойдаланишнинг экологик ва иқтисодий реструктуризацияси» деб номланган илмий-тадқиқот лойиҳасининг ижроси учун махсус ташкил этилган марказ фаолияти билан танишди. ЮНЕСКО шафелигида амалга оширилаётган бу лойиҳа доирасида Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетининг талаба ва ўқитувчилари Германиядаги Бонн университетининг Тараққиёт тадқиқотлари маркази (ZEF) олимлари билан бирга ҳамкорликда изланишлар олиб бормоқда. Ўн йилга мўлжалланган лойиҳадан кўзланган асосий мақсад минтақа ландшафти реструктуризациясининг концепциясини ишлаб чиқишдан иборат.

Коичиро Мацуура Урганч давлат университетининг ўқитувчи ва талабалари билан учрашди. Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан, ташкилот мамлакатимиздаги қатор миллий ва минтақавий лойиҳаларда фаол иштирок этаётганидан мамнуният билдирди.

Меҳмон яқинда минг йиллиги нишонланадиган Маъмун академиясининг бир неча илмий лабораторияси фаолияти билан танишди, академия музейининг очилишида иштирок этди.

— Маъмун академиясидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди, — деди Коичиро Мацуура. — Яхши маълумки, дунёда бундан минг йил аввал пайдо бўлган олимлар ҳамжамияти шундай — Маъмун академияси, деб аталган. Бугун Ўзбекистонда фаолият юритаётган замонавий илмий марказ ҳам шундай аталади. Ундаги тадқиқотлар порлоқ келажак сари йўналтирилган. Бу марказ ҳам қадимий анъаналарни, ҳам ҳозирги замон илм-фани ютуқларини изчил давом эттирмоқда. Унинг минг йиллик шонли тўйини нишонлашда ЮНЕСКО ҳам иштирок этаётганидан биз фахрланамиз.

ЮНЕСКО Бош директори Ичан қалъани ҳаяжон билан томоша қилди.

Коичиро Мацуура Самарқандда ҳам бўлди. У аввал Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди. Регистон мажмуи, Бибихоним масжиди, Сиёб бозори, Ҳазрати Хизр масжидига борди. ЮНЕСКО Бош директорида Шоҳи Зинда мажмуида олиб борилган бунёдкорлик ишлари айниқса катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов раҳбарлигида юртингизда қадимий обидалар, муқаддас қадамжоларни кўз қорачиғидай асраш ва келгуси авлодларга етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бизни жуда қувонтирди, — деди Коичиро Мацуура. — Тошкент, Хива ва Самарқандда бунга яна бир карра гувоҳ бўлдим. Айниқса, Шоҳи Зинда мажмуида амалга оширилган таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари улуғ аждодларингиз меросига улкан эҳтиром намунасидир. Бу қадим шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейида ЮНЕСКО вакиллари ҳам фаол иштирок этади.

**Т.ШАМАКОВ,**
**А.ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

# ҚЎШ КЎРГАЗМА

**Бугун «Ўзэкспомарказ»нинг биринчи павильонида бир вақтнинг ўзида иккита халқаро кўргазма: «O'ZBEKinPRINT» ва «O'ZUPAK» ўз ишини бошлайди. Икки кун давомида улар нашриёт-полиграфия фаолияти, реклама бизнеси, шунингдек, этикетка ва ўраш-қадоқлаш ишлари билан боғлиқ бўлган барча кишиларнинг диққат-эътибори марказига айланиши шубҳасиздир.**

O'ZBEK=PRINT O'ZuPACK 12-14 сентябрь 2006

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги «1998-2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида»ги битим ва мазкур даврда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик дастурига мувофиқ саккизинчи марта ўтказилаётган кўргазмаларда 30 дан ортиқ ўзбек ва 20та хорижий компания иштирок этади. Улар томонидан полиграфия, нашриёт фаолияти ва реклама, шунингдек, этикетка ва қадоқлаш-ўраш маҳсулотлари бўйича энг янги асбоб-ускуналар, материаллар намойиш қилинади. Кўргазмаларга бўлган эътибор ва қизиқиш бениҳоя катта: уларнинг қатнашчилари рўйхатидан «Давлат белгиси», «Итрако» ЁАЖ (Россия) «Корус» (Корея Республикаси), «Полиграфспектр» (Россия), «EKOPAK OSIYO» (Қозоғистон) ва бошқа етакчи компаниялар ўрин олган. Шуни айтиш мумкинки, ҳар иккала кўргазма буюртмачилар ва етакчилар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини, тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш йўлидаги ишончли кўприкдир.

**Алишер РЎЗИЕВ**

# ЎЗБЕКИСТОН — САРМОЯЛАРНИНГ ҚУЁШЛИ ЎЛКАСИ

Латвиянинг «Бизнес ва Балтия» газетаси газетхонлардан бирининг мактубини ана шундай сарлавҳа остида эълон қилди.

Уйимнинг деворида унча катта бўлмаган, бирмунча содда, бироқ жуда ёқимли суратлар осилган. Уларни Тошкентда харид қилганман. Суратларда тоғ дараси, қишлоқ, қияликда ўрнашган пахса уйлар ва боғлар, боғлар ва яна боғлар акс эттирилган. Уларга тикилганимда Ўзбекистоннинг қалби, кўҳна тарихи ва порлоқ келажаги акс этгандек туюлади гўё.

Мен Ўзбекистон пойтахти Тошкентда илк бор 1976 йилда бўлганман. Қадимий масжидлар ва замонавий бинолар уйғунлиги, бир қарашда ҳеч қаерга шошилмаётган хотиржам одамлар ва шиддатли суръатда кечаётган ҳаёт ажиб бир муҳитни яратганди ўшанда. Ўзбекистонга илк сафарим ва кейинги ташрифларим давомида ҳам унинг қадимий ёдгорликларидан ҳам кўра (улар, албатта, беназир), мамлакатнинг одамлари билан қурган суҳбатларим, ҳамроҳларимнинг меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги, дўстона табассуми ва сахийлиги менда энг ёрқин таассуротларни қолдирган.

Орадан кўп йиллар ўтганидан сўнг биз шуни англаб етдикки — Ўзбекистон нафақат инсон қалби ором топадиган бой тарихга, балки қулай сармоявий муҳитга эга бўлган давлат экан. Бизнинг «Juglas Manufaktura» саноат гуруҳимиз бир неча йил мобайнида мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб борди. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон иқтисодиётида саноат ишлаб чиқариши, жумладан тўқимачилик саноатининг салмоғи мунтазам равишда юксалиб бораётганини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Мамлакат раҳбарияти томонидан пахта толасини қайта ишлашнинг ички тармоғини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган сиёсат хорижий сармоядорларнинг эътиборини Ўзбекистон етакчи ўринни эгаллаб турган Марказий Осиё минтақасига жалб этмоқда. «Биз қудратли енгил ва тўқимачилик саноатини яратишимиз, барча ривожланган мамлакатлар каби нафақат пахта, балки тайёр маҳсулот билан ҳам савдо қилишимиз лозим», — деган эди Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов.

2003 йилда Ўзбекистон тўқимачилик саноатидаги шарт-шароитлар билан танишиб чиқиб, биз бир ҳолатга эътиборни қаратдик. Истиқболли корхоналардан бири ҳисобланган — Андижон вилоятидаги «Антекс» акциядорлик жамияти молиявий қарзлар билан боғлиқ қатор қийинчиликларга дуч келиб турган экан. Биз ўз куч ва имкониятларимизни ишга солиб, мазкур фабрикадаги аҳволни ўнглаш ишига қизиқиб қолдик. 2004 йили июнь ойида Тошкент биржасидан «Антекс» акциядорлик жамияти акцияларининг 51 фоизини харид қилдик ва у ерга ўз мутахассисларимизни жўнатдик.

«Антекс» АЖ акциядорига айлангач, биз маҳсулот сифатини рақобатбардош даражага олиб чиқиш, корхонани тўлиқ куч билан ишлашини йўлга қўйиб, тайёр маҳсулотни Европа Иттифоқи бозорларида сотиш ниятида мавжуд ускуна-жиҳозларга сармоя кирита бошладик. Бундан ташқари, пахта толасини қайта ишлаш қувватини ошириш мақсадида биз қўшимча маблағлар жалб этдик. Бугунги кунга келиб, киритилган сармояларнинг умумий миқдори 3,5 миллион АҚШ долларига етди.

Айни пайтда корхона тўла қувват билан ишламоқда. Айланма маблағ 9 миллион долларгача ошди, яъни икки баробарга ортди. Олинган кредитлар олдиндан келишилган ва тасдиқланган муддатларда қайтарилмоқда, иш ўринлари сони кўпаймоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда фаолият бошлаганимизга икки ярим йилдан ошганидан сўнг ҳам биз қўйган қадамимиздан сира афсусланаётганимиз йўқ. Бундан ташқари, ушбу меҳмондўст ўлкани тарк этаётиб, қалбимизнинг бир қисмини шу ерда қолдирамиз ва жанубнинг ёрқин қуёши, кўк чойи, дилтортар паловини, дунёдаги энг мазали ўрик ва узумларини соғинамиз.

Мустақиллик куни байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига бахт, сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

**Александр ВАЙНШТЕЙН,**
**«Juglas Manufaktura» АЖ бошқаруви раиси,**
**«Антекс» АЖ кузатув кенгаши раиси**
«Жаҳон» АА
*Рига*

# «БАХТТЕКСТИЛ»НИНГ ЭРТАСИ ПОРЛОҚ

Яқинда Навоий шаҳрида ишга туширилган «Бахттекстил» кичик ип йигирув корхонаси 300 нафар йигит-қизни ишга қабул қилди. Агар унинг иккинчи навбати ҳам ишга тушса жами ишчилар сони 500 нафарга етади.

— Италия, Германия, Россия йигирув ва тўқув дастгоҳларига эга бўлган бу корхона йилига 10 минг тонна пахта толасини йигириб-калавалаб беради, — дейди навоийлик ишбилармон Қобил Турсунов. — Агар ишларимиз бундан-да юришса, «Навбаҳортекст» ип-газлама корхонаси қурилишига ҳам ҳомийлик қиламиз.

Ҳа, ҳали бу ишнинг бошланиши. Насиб бўлса «Бахттекстил» яқин орада Бухоро, Намангандаги каби йирик ип-газлама комбинатлари қаторига қўшилади. Ўшанда бу корхонада минглаб навоийликлар қўлни-қўлга бериб ишлашади.

**Ўз мухбиримиз**

# АЙЛАНГАН НИЗО

Шундай экан, «Бакс» фирмасини айблаш ўринлими? Аслида ўз вақтида буйруқ чиқармаган корхона ҳаракатсизлигига ҳуқуқий баҳо бериш керак эмасмиди?

Фуқаровий даъвогар деб топилган И.Грицаева судда саккиз нафар ходими Б.Юлдошев билан тил бириктириб, корхонадан кетиб қолганлиги, унга нисбатан қилинган бу хоинлик натижасида корхона фаолияти тўхтаб, жуда кўп миқдорда зарар кўрганлигини айтади.

Ходимлар эса «тил бириктириш»да И.Грицаева ташаббускор бўлганлигини айтишган. Қолаверса, барча ходимлар «Бакс» фирмасига ихтиёрий ўтганлигини, чунки бу ерда маош ва шароит яхшилигини, аввалги иш жойида 3-4 ойлаб маош ололмай қийналишганини таъкидлашган.

Масалан, И.Сайдуллаев ва Д.Юлдошева «мутахассислар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, маошлар вақтида берилмагани учун ишдан кетиб, «Бакс»га ўтдик» дейди.

Фуқаронинг қайси иш ёки корхонани танлаши унинг ҳуқуқи ҳисобланади. Пастроқ маош берадиган жойдан яхши ҳақ тўлайдиган, шароити қулай ишга ўтиш наҳотки тил бириктириш ва хоинлик ҳисобланса? Ходимларни ишдан кетиб қолишда айблашдан кўра, уларни корхонада олиб қолиш, иш ҳақини ошириш, шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш масаласига эътибор қаратилса яхши натижа бермайдими?

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат ҳукмрон. Рақобатбардош бўлиш учун, бозор иқтисодиёти шароитида, аввало ходимлар манфаати кўпроқ ўйланиши, ҳимояланиши зарур. Йўқса, у қулайроқ меҳнат шароити ҳамда юқори маошли бошқа ишга ўтиб ишлаши табиий. Уни мажбурлаб олиб қолиб бўлмайди. Ёки яхши шароитдан ёмонроғига зўрлаб ўтказиш мумкин эмас.

Шундай экан, ходимлар манфаатига эътибор бермаган, уни ўз ҳолига ташлаб қўйган корхоналарнинг синиши ҳам табиийдир. Фикримизга исбот юқоридаги ҳолат — «Бакс» фирмасига ўтган саккиз ходимнинг барчаси бу ердаги шароит, иш ҳақи ва эътибордан жуда мамнунлигини билдирган.

Айтинг, ушбу ҳолатда уларга ёки «Бакс» фирмасига фуқаровий даъво қилиш асослими? Ёки, эътибор беринг, айтайлик сохта буйруқлар, малака аттестати йўқолганлиги ҳақидаги сохта алоқа хатлари орқали кимга, қанча зиён етказилди, қандай салбий оқибатлар келиб чиқди? Ёки «Фарғона ТВТ Транссервис» ва «Марғилон ТВТ Транссервис» шўъба корхоналаридан ходимларнинг ишдан кетиши, натижада корхона тўхтаб қолиши жиноят ҳисобланадими? Жиноят бўлиши учун жисмоний ёки моддий зиён бўлиши керак эмасми?

Шу ўринда Божхона қўмитаси ҳуқуқий бошқарма бошлиғи В.Чипиганинг ушбу масала бўйича фикри эътиборни тортади. У И.Грицаева, Б.Юлдошев ва «ТВТ Транссервис» масъулияти чекланган жамияти бош директори З.Азимовлар (иккала шўъба корхона жамиятнинг таркибий қисмлари ҳисобланади) билан гаплашиб, **улар ўртасидаги гап-сўзлар мулкий низо эканлигини ҳамда низони ечиш учун хўжалик судига мурожаат қилишни маслаҳат берган.** Ваҳоланки, бу машмашалар охири жиноят ишига айланди ва «Бакс» фирмаси таъсисчиси Б.Юлдошев тўла айбдор ҳисобланиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 227-моддаси, 1-қисми, 228-моддаси, 2-қисми, «а» банди ҳамда 228-модданинг 3-қисми билан малакаланди.

Тўғрисини айтганда, жиноий қасд йўқ, ҳеч кимга зарар етказилмаган, аксинча фуқароларга яхшироқ маошли шароит яратган ушбу ҳолат, низо охир-оқибат жиноий ишга айланиб кетишини кўпчилик кутмаган. Бундан ташқари, Б.Юлдошевга ўтган йилнинг 30 декабрь куни сиртдан айб эълон қилинганию, жорий йил 3 январида эса қидирув қарори чиқарилиб, уйида ўтирган одам гўё 2 ой қидирилгани каби ҳолатларни кузатган кишида ушбу жиноят иши бўйича жумбоқли саволлар пайдо бўлади. Қўйингки, Б.Юлдашев «Бакс» фирмаси директори эмас, таъсисчиси. Унда ишга қабул қилиш, ёки лавозимидан озод қилиш ваколати йўқ. Лекин айнан у буйруқ ва алоқа хатларини қалбакилаштирганликда ҳамда бланкаларни эгаллаб олиб, фойдаланганликда айбланмоқда. Қизиқ...

*«Мен, — дейди Б.Юлдошев, — 2006 йилнинг январь, февраль ойларида терговчи И.Валиев олдига ишчиларимиз А.Исроилов ва Ж.Раҳмоновларнинг малака аттестатини олиш учун бир неча марта борганман. Чунки аттестатларнинг асл нусхаси И.Валиевда эди. Мен ҳар борганимда вилоят прокуратурасига киришдаги қўриқчилар пунктидан ёзма рўйхатдан ўтиб, рухсатнома билан кирганман. Агар менга нисбатан қидирув эълон қилинган бўлса, нимага ўз оёғим билан борганимда ушламади экан? Шуниси қизиқки, қидирув қарори 19 январь куни алоқа хати орқали Қўқон шаҳар ИИБга юборилган. Алоқа хати ва қарор Қўқон шаҳрига 10 март куни келиб тушаяпти ва 11 март куни ижрога чиқарилияпти. Ана шунда мен «қидирилаётганимни» эшитиб, ҳайрон бўлдим. Фарғона билан Қўқон орасидаги масофа 90 километр. 90 километр оралиққа қидирув қарори оз эмас, кўп эмас 50 кун ичида етиб келмоқда... Буни қандай изоҳлаш керак? Энг қизиғи, бу пайтда мен ишда бемалол ишлаб юрганман, «қидирув» эълон қилган терговчи билан учрашиб турганман. Нима, айбни оғирлаштириш, қочиб юрибди, деб сохта маълумот юргизиш орқали жамоатчилик ва раҳбариятни чалғитиш учун шундай усуллардан фойдаланиш мумкинмикин?».*

Ҳеч ҳам сир эмас, ҳанузгача айрим мансабдор шахслар баъзан буюртма, баъзан шахсий амбиция билан кимгадир ёпишиб олишади. Бундай ҳолатлар таъсирига тушиб қолганлар эса нохолис одамлар тегирмонига сув қуйиб, бегуноҳ одамлар бошига кулфат солиши мумкин. Бундан жамият фақат зиён кўради.

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

## ЧЕРНОГОРИЯ

Черногория бош вазири етакчилигидаги «Европача Черногория учун» коалицияси мамлакатда якшанба куни ўтказилган парламент сайловида кўпчилик овозни олишга муваффақ бўлди. Бу ҳақда Черногориянинг «Вести» газетаси маълум қилди.

Коалиция парламентдаги 81 ўриндан 43 тасини эгаллади. Қолганлар етарлича овоз тўпламаган.

Сайловда олтита коалиция, бешта сиёсий партия ва битта жамоат ташкилоти қатнашди. Черногория парламентидаги 81та жой учун 700га яқин номзод курашмоқда.

## РОССИЯ

Россиянинг Иқтисодий ривожланиш вазирлиги раҳбари Герман Греф ҳукумат саноат дизайни билан шуғулланувчи йирик марказларни ташкил этишда молиявий ёрдам кўрсатишини маълум қилди.

Унинг фикрича, айни пайтда Россияда маркетинг сиёсатига ва ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ташқи кўринишига етарлича аҳамият берилмаяпти.

Айни пайтда саноат дизайни борасидаги концепция ҳукумат тасдиғини кутмоқда.

**• Тадбир**

# ДЎСТЛИК ФОРУМИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида «Ўзбекистонда яшовчи турли миллатга мансуб аёллар ва ёшлар жиноятчиликка, терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди

«Биз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаймиз», «Биз Президент фарзандларимиз», «Биз терроризмни қоралаймиз», «Аёлини эъзоз этар юрт» шиорлари билан безатилган тумандаги «Пахтакор» ўйингоҳига кўксига давлатимиз орден-медалларини таққан онахонлар, Зулфия номли Давлат мукофоти медалини таққан қизлар, мустақилликнинг 15 йиллиги кўкрак нишонлари билан тақдирланган хотин-қизлар тўпландилар.

Дўстлик форумида Жарқўрғон туманида фаолият кўрсатаётган 218 нафар тадбиркор аёлнинг моҳир қўллари билан тикилиб, дунё бозорига йўл олган амалий санъат намуналари кўргазмаси намойиш этилди.

— Сурхон аёллари ҳар жабҳада илғорликка интиладилар. Зеро, уларнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди, — деди Сенатор, республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова Алишер Навоий номидаги маҳалла диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Инобат Дадабоевага қўмитанинг фахрий ёрлиғини топширар экан.

Маълумки, мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги бошлиғи Рисолат Маматқулова, Термиз шаҳридаги «Сурхон соҳили» МФЙ раиси Ўғилой Норбоева, Бойсун тумани телефон алоқалари телефон узатувчиси Ҳаловат Ориповалар ҳам «Шуҳрат» медали соҳиби бўлишди.

Бинобарин, Жарқўрғонда бўлиб ўтган аёллар форуми вилоят хотин-қизларининг маънавий дунёсини бойитиш, улар қалбида истиқлол ғояларини, миллий анъаналаримиз ва тафаккур оламини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Зулфия МЎМИНОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими, шоира**

**• Спорт**



# ИРОДА «AUSTRALIAN OPEN»ГА БОРАДИ

Пойтахтимиздаги «Тошкент теннис маркази»да навбатдаги Осиё чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Мукофот жамғармаси 100000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг ўн тўрт мамлакатидан ташриф буюрган ракетка усталари ғолиблик учун кортга чиқдилар. Юртимизда қаторасига тўртинчи маротаба уюштирилган қитъа чемпионати мамлакатимиз теннисчилари учун муваффақиятли якунланди.

Қизлар ўртасидаги яккалик учрашувларида Ван Тинг Лию (Хитой), Чин-Вей Чан (Хитой Тайпейи), Шикха Уберои (Ҳиндистон) сингари рақиблари устидан ишончли ғалаба қозонган Ирода Тўлаганова финалга йўлланма олганди. Ҳамюртимиз ҳал қилувчи баҳсда Хитой Тайпейи вакили Юнг-Жан Чанга қарши кортга чиқди. Тошкентга мусобақанинг биринчи ракеткаси сифатида келган Чан ярим финалда мамлакатимиз етакчи теннисчиси Оқгул Омонмуродовани мағлубиятга учратганди. Финалда эса Ирода Тўлаганова Хитой Тайпейи спортчисидан Оқгул учун муносиб «ўч» олди — 5/7, 6/2, 7/5. Ушбу ғалаба жароҳати туфайли бир неча йил йирик турнирлардан четда қолган ракеткачимиз учун яна нуфузли мусобақалар эшигини очди. Ирода Тўлаганова Осиё чемпиони бўлиш билан биргаликда келаси йилнинг январида Мельбурнда ўтадиган «Улкан тож» туркумидаги «Australian Open»да иштирок этиш ҳуқуқини берувчи «wild card»ни қўлга киритди.

Ўтган йилги баҳслар ғолиби Денис Истоминдан ҳам мухлислар ғалабалар кутишганди. Финалгача Эрон, Жанубий Корея, Қозоғистон вакилларини енгган ҳамюртимиз бош соврин учун Го Соэда (Япония) билан баҳс юритди. Ҳозирда бутунжаҳон тенниси таснифида 190-ўринни банд этган япониялик ракеткачи мусобақага жиддий ҳозирлик кўрганлигини намойиш қилди. Якунда омад Соэдага кулиб боқди — 7/6, 6/4.

Эркаклар ўртасидаги жуфтлик учрашувларида Мурод Иноятов, Денис Истоминларга ишонч билдирилганди. Ҳар бир босқични юқори савияда ўтказган вакилларимиз финалда Мустафо Чоус (Ҳиндистон), Алексей Кедрюк (Қозоғистон)лар устидан зафар қучишди.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратда:** ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимидан лавҳа.

**Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

**• Футбол**

# «НАСАФ» МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Мамлакатимиз XV миллий чемпионати олий лига жамоалари йигирма учинчи тур баҳсларини ниҳоясига етказишди.

Турнинг марказий учрашуви Муборакда «Машъал» ҳамда «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ўйин тақдирини 87-дақиқада мезбонлар ҳужумчиси Камолиддин Мурзаев томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди.

«Насаф» футболчилари чемпионат жадвалидаги «қўшнилари»нинг мағлубиятидан унумли фойдаланишди. Ушбу тургача «Нефтчи» жамоаси билан бир хил — 49 тадан очко жамғарган қаршиликлар ўз ҳисобларидаги ғалабалар сонини яна биттага кўпайтириб олдилар. «Насаф» футболчилари охирги турда Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини 4:2 ҳисобида енгди ва жадвалнинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Хоразм» — «Тўпаланг» — 0:4, «Қизилқум» — «Локомотив» — 1:0, «Самарқанд-Д» — «Шўртан» — 4:1, «Бухоро» — «Трактор» — 0:3, «Навбаҳор-Н» — «Металлург» — 2:1, «Пахтакор» — «Андижон» — 6:1.

Навбатдаги 24-тур учрашувлари 16-17 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.



## ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИНГ АРМОНИ

WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ўта оғир вазнли боксчи Олег Маскаев ўз армонларини ошкор қилди.

Маълум бўлишича, бу боксчи Владимир Кличконинг жангга чорловини қабул қилмаганидан афсусда экан. «Ҳақиқатан ҳам Владимирнинг мени жангга чорлаганини қабул қилмаганим учун армондаман, — дейди Олег Маскаев. — Сабаби, шу йилнинг 11 ноябрига қадар ўнг қўлим жароҳати тузалиб кетишига ишонч йўқ эди. Юз фоиз саломатликка эга бўлмаган боксчининг Владимирга рўбарў келиши осон эмас. Энди кеч бўлди. Менинг навбатдаги рақибим Кличко эмас, лекин жангда муваффақият қозонсам, яна Кличко билан жанг қилишимга йўл очилади, деган умиддаман. Ҳозирча жаҳон чемпиони унвонига даъвогарлик қилаётган нигериялик Самуэль Питерга қарши жанг қилишимга тўғри келади. Лекин бу жанг мени қизиқтирмайди. Чунки, бундай учрашувдан менга ҳеч қандай фойда йўқ».

Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институти томонидан 2004 йилда **ТАШПУЛАТОВ Жасурбек Позилович** номига берилган В № 183040 рақамли Бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**• Халқаро тадбир**

# УЛАР ДУНЁНИ ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН КЎРАДИЛАР

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига қарашли «Юрак ва асаб касалликлари» сиҳатгоҳида Осиё Кўзи ожизлар уюшмаси ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

**Осиё Кўзи ожизлар уюшмаси минтақавий ташкилот ҳисобланиб, у бевосита Жаҳон Кўзи ожизлар уюшмаси билан биргаликда иш олиб боради. Осиё Кўзи ожизлар уюшмасига учта минтақа, Марказий Осиё минтақаси – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон давлатлари ҳамда Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари киради. Шунингдек, бошқа миллий уюшмаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва техник ёрдам кўрсатиш, кўзи ожиз ва кўриш қобилияти суст одамлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшманинг асосий вазифаларидан саналади.**

**Халқаро тадбирда Ливан, Норвегия, Иордания, Ҳиндистон ва Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятлари вакиллари кўзи ожиз ва кўриш қобилияти суст кишилар фаолиятини меъёрлаштириш ҳамда улар орасида реабилитация масалалари хусусида ўзаро мунозара юритдилар.**

**Амир МАКАРИМ; Ливан, Осиё Кўзи ожизлар уюшмаси президенти:**

— Уюшма йиғилиши илк бор Ўзекистонда ўтказилмоқда. Бу ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири шуки, у уюшмага аъзо мамлакатлардаги кўзи ожиз инсонлар, айниқса, аёллар ва ёшларга реабилитация хизмати кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини оширишдан иборатдир.

Бу менинг Ўзбекистонга илк ташрифим. Бугунги кунда Ўзбекистон бутун жабҳада, хусусан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ўзини намоён этмоқда. Ўзбекистон ҳақиқий юксалиш йўлида одимлаётганлигига ўз кузатишларим орқали амин бўлдим. Осиё Кўзи ожизлар уюшмаси Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Биз истардикки, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти нафақат республикада, балки Марказий Осиё минтақасида етакчиликни қўлга киритсин.

**Аҳмад ал-ЛУЗИ, Иордания, Осиё Кўзи Ожизлар уюшмасининг молиявий масалалар бўйича масъул ходими:**

— Мана шундай анжуман боис илк маротаба Ўзбекистонга келдим. Бу юртнинг Самарқанду Бухородек муқаддас шаҳарларию, ҳадис илмининг буюк алломаси имом ал-Бухорийдек зотларини бутун дунё танийди. Ўзбекистоннинг мўътадил иқлими, кенг ва равон кўчаларини, айни пишиқчилик боис тўлиб-тошган боғларини ўз кўзим билан кўргач, интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар билан ҳамсуҳбат бўлгач бу мамлакат менинг тасаввуримдагидан ҳам юксак сиёсий, иқтисодий, ижтимоий салоҳиятга эга, фусункор, жаннатмакон гўша эканлигига амин бўлдим.

**Бахтиёр АБДУЖАББОРОВ, Осиё Кўзи ожизлар уюшмаси вице-президенти, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти раисининг ўринбосари:**

— Маълумки, бизнинг жамиятимизда ҳар бир инсон эътиборда, ғамхўрликларга сазовор. Бинобарин, мамлакатимизда ногирон,кўзи ожиз инсонларни маънан қуллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазалаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти 1932 йилда ташкил топган. Бугунги кунда 35 мингдан ортиқ кўзи ожиз 1 ва 2-гуруҳ ногиронларини ўз сафига бирлаштирган. Республика бўйича 14 та – Тошкент шаҳар ва вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқарув идоралари фаолият кўрсатаётир. Шунингдек, 169та туман ва шаҳарлар кўзи ожизлар ташкилотлари мавжуд. Улар кўзи ожизларни иш билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, реабилитация тадбирларини ўтказиш, маданий-мафкуравий ва спорт ишларини олиб бориш билан шуғулланадилар.

Айни дамда жамият Япония ҳукумати билан ҳамкорлик қилмоқда. Унга кўра, нафақат республика, балки Марказий Осиё минтақасидаги кўзи ожиз ва кўриш қобилияти суст бўлган фуқаролар учун махсус бўртма ҳарфлардан иборат бўлган китоб ишлаб чиқарувчи дастгоҳ харид қилиш режалаштирилган. Қиймати 53 минг АҚШ долларидан ошиқроқ бўлган ушбу дастгоҳ Ўзбекистонга келтирилиб ўрнатилса бўртма ҳарфли махсус китоб босиб чиқариш арзонлашади. Энг муҳими кўзи ожизлар учун турли адабиёт ва дарсликлар ишлаб чиқариш кўлами кенгаяди. Компьютер ва принтерда ишловчи мазкур замонавий дастгоҳ «Ҳомийлар ва шифокорлар йили Давлат дастури» доирасида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо инвестиция вазирлигининг саъй-ҳаракатлари боис келтирилмоқда.

Осиё Кўзи ожизлар уюшмасининг навбатдаги анжумани бизнинг диёримизда ўтказилиши бежиз эмас. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осийишталик, барқарор ривожланиш уюшма аъзоларининг ташрифига туртки бўлди. Қолаверса, бизнинг тажрибамизни ўрганиб, хорижий давлатларга татбиқ этиш ҳам назарда тутилган.

Айни дамда Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмасига биноан кўзи ожизлар ўқув корхоналарига Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Марказий банк, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан ёрдам кўрсатилмоқда.

Айрим хорижий давлатларда, жумладан, Францияда кўзи ожизлар тайёрлаган маҳсулотлар махсус тамға билан сотувга чиқарилади. Ундан тушган маблағ кўзи ожизлар учун сарфланади. Бизда ҳам мана шундай тажриба қўлланилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир мулоҳаза. Айрим якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлар кўзи ожизлар қўл меҳнати билан ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олмоқдалар. Бу эса кўзи ожизларнинг ишсиз қолишларига сабаб бўлаётир. Агарда шу каби масалалар ўз ечимини топса, кўзи ожизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолликлари янада ортарди.

**Йиғилишда 2006 йилда Осиё Кўзи ожизлар уюшмасига аъзо давлатларнинг ҳисоботи, шу даврга қадар бўлган молиявий фаолияти, ўтказилган турли тадбирларнинг якуний хулоса ва натижалари муҳокама этилди. Шунингдек, уюшманинг келгуси 2007 йилги иш режаси, амалга оширилажак лойиҳалар бўйича грантларни қўллаб-қувватлаш дастури тасдиқланди.**

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**• Мулоҳаза**

# ҚАДАҲ БАХТНИНГ «МУҲРИ»МИ?

Бу шунчаки майда гап эмас, маданиятимиз ва аҳлоқимизга таъсир қилаётган салбий ҳодиса ва кулгили ҳолатдир...

Бир куни қизиқ воқеа шоҳиди бўлдим. Танишимникида, қизининг никоҳ тўйидан олдин «сабзи тўғрар» эди. Алоҳида стол атрофида тўй эгасининг дўсти Миршароб ака, менинг ёнимда ўрта ёшли меҳмон ва бир йигит ўтирардик. Олдимизга бир шиша ароқ ва пиёлалар қўйишди. Миршароб ака менга ароқ қуйиб узатганларида, ичмаслигимни айтдим. Ёнимдаги киши ҳам қанд касаллиги борлигини айтиб, узрни билдирди. Ёш йигит ҳам, бизга ҳурмат юзасидан бўлса керак, пиёлани қўлига олмади. Ароқ пиёлага қуйилганича қолди. Балки бир ўзи ароқ ичишга истиҳола қилдими?

Тўй эгаси келиб: «Нега ароқ ичмай ўтирибсизлар?!» деб сўради. Биз узримизни айтгач, иккинчи пиёлага ароқ қуйди. Миршароб ака билан мезбон: «Ёшлар бахтли бўлишсин» — дея, пиёлаларни уруштиришди ва ароқни сипқоришди. Мен жилмайгандек бўлиб кўринган эканман шекилли, танишим мендан: «Нега кулаяпсиз?» деб сўради. Мен ҳам тўғрисини айтиб қўя қолдим.

— Иккалангиз мусулмон бўлатуриб, ёшларнинг бахтини Оллоҳдан сўраш ўрнига, «шайтон суви»дан сўраётганларингизга кулаяпман-да, — дедим. — Ахир, бузилаётган оилаларнинг саксон фоизи шу ароқнинг кўрсатган «каромати»дан, жиноят содир этаётганларнинг аксарияти ароққа муккасидан кетганлар бўлса, қабиҳ ишларга бошловчи ҳам шу касофат бўлса-ю, нега биз уни шунчалик «ҳурмат»лаб биллур ёки жонон пиёлага қуйиб, бошимиздан баланд кўтариб, «бахт»га муҳр қилиб босишимиз керак?

Азбаройи куйинганимдан, бир неча меҳмонга шундай саволни бердим. Мени баттар ташвишлантирган нарса шу бўлдики, улар елка қисиб «Билмадим», «Ҳамма шундай қиладику...» қабилида мужмал жавоб беришди.

Бу саволга ўзимча жавоб топганга ўхшайман. Ароқ тўла қадаҳ гўё фотиҳа ўқилаётганда дуога қўл очиб, тўйдаги яхши тилакка қўшилиш, табрик айтганга тилакдошликни билдирар экан. Модомики, агар қадаҳларни уриштириш жозибали кўриниб, бунга ўрганиб қолган бўлсак, тўй-тантаналаримизда бу одат тусига кириб қолган бўлса, пиёлаю-биллур қадаҳларга соғлиқ учун фойдали яхна ичимликларимиз-у, яна чойимизни ҳам тўлдириб, эзгу тилакларимизни Оллоҳдан сўраб, уларни жиринглатиб уриштириб ичсак бўлаверар экан-да!

Бир қарашда оддий, майда гап-сўздай бўлиб туюлган қадаҳ сўзи замирида, инсоннинг юксак маданияти, аҳлоқи, одоби, иймон-эътиқоди, ўзликни англаш, миллий урф-одатларимизни авайлаб-асраш



туйғулари мужассамдир.

Бинобарин, тўй-ю, тантаналарда айтиладиган маъруза, нутқ, халқона қадаҳ сўзларимиз одамларнинг маънавий дунёқарашини бойитсин, буни ёдда тутайлик.

**Шукур ОРИПОВ, техника фанлари номзоди, пенсионер.**

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

**2006 йилнинг 12,15,19,22,26,29 сентябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.**

***Савдоларга:***

*Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда жойлашган «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» МЧЖнинг 2001 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AU 919 бўлган «Нексия» русумли авторанспорт воситаси **4 500 000 сўм бошланғич нарх билан;***

*Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AZ 169 бўлган «Форд 35-26» русумли автотранспорт воситаси **1 270 000 сўм бошланғич нарх билан;***

**ҳамда 2006 йилнинг 13,17,20,24,27,31 октябрь кунлари**

*Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муҳитдинова кўчаси, 26-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига қарашли 1978 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AN 394 бўлган «ГАЗ-1401» русумли автотранспорт воситаси **5 100 000 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.***

*Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.*

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**

***Мурожаат учун телефон: 133-23-40.***

**Гувоҳнома № 000815**

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Shohaydar MIRHABIBOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.***
***Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 1150
*7474 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 20.45
Topshirish vaqti — 22.00
1 2 3 4 5
**Sotuvda erkin narxda**